

7-10-2019

ANALYSIS OF THE ADVANTAGES OF FRUIT PRODUCTS IN EXTERNAL MARKETS

Kamoliddin Ikromiddinovich Sirojiddinov
Namangan State University

Anvardjon Mamasoliyevich Siddikov
Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Sirojiddinov, Kamoliddin Ikromiddinovich and Siddikov, Anvardjon Mamasoliyevich (2019) "ANALYSIS OF THE ADVANTAGES OF FRUIT PRODUCTS IN EXTERNAL MARKETS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ANALYSIS OF THE ADVANTAGES OF FRUIT PRODUCTS IN EXTERNAL MARKETS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАШҚИ БОЗОРЛАРДАГИ УСТУНЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сирожиддинов Камолиддин Икромиддинович
Иқтисод фанлари номзоди, доцент. ksi_1978@mail.ru
Сиддиқов Анваржон Мамасолиевич
anvsid_1971@mail.ru
Наманган давлат универстетети

Аннотация. Мақола қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавотлар етиштириши, халқаро бозордаги рақобат муҳитига мослашиш имкониятлари, мева-сабзавотларни экспортидаги устунликлар таҳлиliga қаратилган.

Калит сўзлар: Солиштирма устунлик индекси, маҳсулот рақобатбардошлиги кўрсаткичлари, агротехнологиялар, Баласса индекси, Harmonized System Code, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари диверсификацияси.

АНАЛИЗ ПРЕИМУЩЕСТВ ПЛОДОВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ В ВНЕШНИХ РЫНКАХ

Сирожиддинов Камолиддин Икромиддинович
Кандидат экономических наук, доцент. ksi_1978@mail.ru
Сиддиқов Анваржон Мамасолиевич
anvsid_1971@mail.ru
Наманганский государственный университет

Аннотация. В статья посвящена вопросам производства сельскохозяйственных, в частности, плодовооощной продукции, возможностям адаптации к конкурентной среде в мировом рынке, анализу преимуществ в экспорте плодовооощной продукции.

Ключевые слова: Индекс относительного преимущества, показатели конкурентоспособности продукта, агротехнологии, индекс Балласы, Harmonized System Code, диверсификация сельскохозяйственной продукции.

ANALYSIS OF THE ADVANTAGES OF FRUIT PRODUCTS IN EXTERNAL MARKETS

Sirojiddinov Kamoliddin Ikromiddinovich
Siddikov Anvardjon Mamasoliyevich
Namangan State University

Abstract. The article is devoted to the issues of growing fruit-vegetables, opportunities of adapting to competitive environment in international market and analyses of advantages in fruit-vegetables' export.

Key words. Comparative priority index, competitiveness indexes of goods, agro technologies, Balassa index, Harmonized System Code, diversification of agricultural goods.

Республикада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мева-сабзавот маҳсулотлари-ни сақлаш, қайта ишлаш экспорт қилишга қаратилган комплекс чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мева-сабзавотчиликни интенсификация ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қувватларишга туширилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда. Шу билан бирга, хорижий мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларидаги юқори даражадаги рақобат агротехниканинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда.

Шулар билан бирга соҳада зудлик билан ўз ечимини қутаётган, агросаноат соҳаси салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган салбий омиллар ҳам мавжуддир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилигини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чор-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мева-сабзавот маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ва тайёрловчилари ўртасида мева-сабзавот экинлари бозорида харидоргир экинлар ва уларнинг навларини жойлаштириш масалаларида ўзаро ҳамкорликнинг бозор механизмларидан тўлиқ фойдаланмаслик, турли экинлар агротехнологияларининг долзарб масалалари ва уларни амалиётга жорий этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг йўқлиги, илмий институтлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг паст даражаси каби салбий омиллар кўрсатиб ўтилган.

Ушбу муаммоларнинг ечимига республикада мева-сабзавот экспорти билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги рақобатда устунлигини баҳолашга халқаро маркетинг стратегиясини шакллантириш орқали илмий назарий ёндошиш фикримизча тадқиқотнинг долзарблигини ўзида намоеён этади.

Иқтисодий адабиётларда таклиф этилган товар рақобатбардошлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар устун равишда у ёки бу ишлаб чиқариш соҳасига асосланган бўлиб, умумий миқдорий мезон ролини эгаллаб олмайди.

Биз тадқиқ этаётган мева-сабзавотчилик тармоғи ва унинг маҳсулотининг ажралиб турадиган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сифат ва нарх мезонларини ҳисобга олган ҳолдаги нисбий устунлик таҳлиliga асосланган баҳолаш усули самарали ҳисобланади. Экспорт фаолиятида товар рақобатбардошлигини баҳолаш-нинг ушбу услубининг ижобий томони шундаки, у истеъмол параметрларини аниқ чегаралайди, уларни баҳолашда кетма-кетликка риоя этади, шунингдек товар рақобатбардошлиги бўйича аниқ бир томонлама ҳулоса қилишга имкон берувчи мезонга эгадир. Шу билан биргаликда, фақат битта маҳсулот тури бўйича истеъмол ва иқтисодий параметрлар ҳисоб-китобда фойдаланилади, ушбу индекс мутлақ миқдор тарзида маҳсулот рақобатбардошлигини тавсифлайди. Ташқи бозорда товар рақобатга бардошли ёки бардошли эмаслиги аниқланади, бу жараёнда мезон сифатида иккита индекс – сифат ва истеъмол нархи қатнашади.

Биз танлаб олган мева ва сабзавотлар экспортининг рақобатбардошлик кўламини белгилашда нисбий солиштирма устунлик индексдан фойдаланиш мақбул усуллардан бири саналади. Ушбу нисбий солиштирма устунлик (RCA) индекси ўлчовининг келиб чиқиши халқаро савдога ихтисослашган мамлакатлар текширувига алоқадор бўлган Баласса (1965)га бориб тақалади.

Биз ҳам тадқиқотимизда Ўзбекистоннинг Россия ва Қозоғистонга қилган қишлоқ хўжаликмаҳсулотлари экспорти рақобатбардошлигини аниқлашда Баласса индекс(BI)дан қуйидагича фойдаланамиз [1]:

$$BI_i^t = (Xuz_i/Xuz_a)/(Xw_i/Xw_a) \quad (1)$$

бу ерда,

Xuz_i - Ўзбекистоннинг Россия бозорига i -турдаги маҳсулотининг экспорт ҳажми;

Xuz_a -Ўзбекистоннинг Россия бозоридатанланган маҳсулотларнинг умумий экспорт ҳажми;

Xw_i - дунё мамлакатларининг Россия бозорига i -турдаги маҳсулотининг экспорт ҳажми;

Xw_a - дунё мамлакатларининг Россия бозоридатанланган маҳсулотларнинг умумий экспорт ҳажми.

Танланган маҳсулот бўйича $BI_i^t > 1$ бўлса, ушбу маҳсулот бўйича Ўзбекистоннинг Россия ва Қозоғистон бозорларида нисбий устунлиги мавжуд ва рақобатбардош, аксинча, агар $BI_i^t < 1$ бўлса, бу турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари Россия бозориданисбий устунликка эга эмаслигини, яъни рақобатбардош эмаслигини кўрсатади.

Ўзбекистон Ҳукумати 30.500 гектар пахта экинларининг майдонини камай-тиришни назарда тутувчи 2016-2020 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги

ислохотларини эълон қилди. Пахта экин майдонларидан бўшаган ерларда сабзавот экиш, янги токзорлар ва боғлар яратиш учун фойдаланилади. Ўзбекистон мева ва сабзавотларни катта миқдорда етиштиришга мос бўлган қулай агро-иқлим шароитига эга. Таҳлилларда биз Россия бозори импортидаги танланган мева ва сабзавотлар орасида Ўзбекистон маҳсулотларининг қиёсий афзалликларини таҳлил қилдик.

Биз тадқиқот ишида UNCOMTRADE маълумотлар базаси маълумотларидан фойдаланамиз. Афсуски, бу маълумотлар базасида Ўзбекистоннинг экспортига оид маълумотлар мавжуд эмас. Шунинг учун, биз Россиянинг импортига оид маълумотларидан фойдаландик. Таҳлилларимиз 2007-2017йилларни ўз ичига олади.

Маълумотлар 2002 таснифига уйғунлаштирилган тизимнинг(Harmonized System Code) 6-рақамли даражасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз ичига олади (HS6-2002). Бизнинг таҳлилимизда қишлоқ хўжалиги экспорти сифати 425 тадан ортиқ турдаги аграр маҳсулотларини камраб олувчи 01дан 15гача гуруҳ товарлари(03 гуруҳ - балиқлар ва қисқичбақасимонлардан ташқари) танлаб олинди.

Биз тадқиқотимизда Россия дунёдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги товарларини импорт қилувчи асосий мамлакатлардан бири ҳисобланганлиги учун (2017 йилдаги импорт ҳажми дунё бўйлаб импорт 2,9%) ҳамда Қозоғистон бугунги кундаги йирик хамкорларимиздан бири бўлганлиги учун 2007 ва 2017 йилларда Россия ва Қозоғистон импортида энг юқори улдушга эга бўлган Ўзбекистоннинг 20 та қишлоқ хўжалиги (мева-сабзавот) маҳсулотларини танлаб олддик.

Шунинг учун МДХнинг хулосасига кўра, Россиянинг қишлоқ хўжалигидаги экспорти муҳим йўналишлардан биридир (1-расм).



Манба: Муаллиф ҳисоб китоблари

1-расм. Россияга қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг 2007-2017 йиллардаги кўриниши, фоизда (2005=100)

1-расмда 2007-2017 йиллар оралиғида Ўзбекистондан, шунингдек, бутун дунёдан Россияга кириб келадиган мева-сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг динамикаси кўрсатилган бўлиб, Россияда мева-сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти ҳажмининг ўсиши барқарор эмас (2008 йилдан 2011 йилгача барқарор тушишни ҳисобга олмаганда). Қишлоқ хўжалиги импорти кўрсаткичи 2013 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлган ва 2013-2017 йиллар давомида кескин даражада камайган. 2008 йилдаги импорт ҳажмининг камайишига жаҳон молиявий инқирози сабаб бўлган. Шунингдек, кейинга икки йил ичидаги пасайишига Россия иқтисодийотидаги чекловчи сиёсати сабаб бўлди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2007 йилда Россиянинг импортидаги энг юқори улушга эга бўлган ўнта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: 020230-«чорва моллари гўшти», 020714-«йиғиштириб олинган ва истеъмолга яроқли бўлган ҳосиллар», 040690-«пишлоқ», 20329-«чўчқа гўшти», 080300-«Банан», 151190-«доғланган ёғ», 080810-«Олмалар», 070200-«помидор», 080610-«янги узилган узум» ва 020321-«чўчқанинг саласи»ни ташкил этади.

Бу ўнталик маҳсулотлар Россия қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортнинг тахминан 50% ташкил этади. Импортдаги бу тузилиш 2007-2017 йиллар давомида ўзгариб турган.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг Россияга экспорти пастки поғонага тушиб кетган (қисқа ўсиш вақтини ҳисобга олмаганда). Россиянинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортининг улуши мазкур йилларда тўққиз мартадан кўпроқ камайган.

Ўзбекистондан Россияга экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг камайиб кетиши сабабини турли омиллар орқали изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон экспорти таркибида бўлмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турини кўпайтириш (экспорт диверсификация қилиш) натижасида экспортининг турли шаклга келиб қолиши.

Иккинчидан, Россиянинг қишлоқ хўжалиги импортида асосан ўсган маҳсулотлар Ўзбекистоннинг экспорти таркибида муҳим бўлмаган. Шунинг учун Россия импортида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳиссаси кўрсатилган давр мобайнида кескин пасайган. Мисол учун, Ўзбекистон экспортида асосий маҳсулот бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 080610 - «Янги узилган узум», 070200 - «Помидор», 080719 - «Қовун», 081090 - «Янги узилган мевалар»ни ташкил этади. Бошқа маҳсулотлар эса, мисол учун: 070310-«Пиёз»,

080920-«Гилос», 080910-«Ўрик», 070990- «Сабзавотлар», 080940-«Ошқовок», 080620-«Қуритилган узум»ни ташкил этган.

Бундан ташқари, биз кўриб ўтган даврда қуритилган узум, ошқовок, қовун, ўрик ва олхўри каби кўрсатилган маҳсулотларда Ўзбекистоннинг Россияга экспорт ҳажми тушиб кетган бўлса, карам, қуритилган сабзавотлар, лимон ва шафтоли каби товарларни улуши ошди.

Қозоғистонга Ўзбекистондан 2005-2017 йилларда экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган даврда ушбу мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти қарийб 86 баробарга ошган ҳолда, Ўзбекистондан қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қўшни давлат бўлишига қарамай ушбу давлатга импорт ҳажми 3,65 баробарга ошган, холос. Шунинг учун Қозоғистон импортида Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳиссаси 2015 йилга нисбатан 2017 йилда бир қадар пасайиши кузатилади. 2017 йилда Ўзбекистон экспортида асосий маҳсулот бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 080910-«Ўрик», 080920-«Гилос»,080940 – «Олхўри», 070610- «Сабзи ва шолғом», 080719 - «Қовун», 081090 – «Хўл мевалар», 070200 - «Помидор», 080610 - «Янги узилган узум»,081090 - «Янги узилган мевалар»ни ташкил этади (2-расм).



2-расм. Ўзбекистондан Қозоғистонга қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг 2005-2017 йиллардаги кўриниши, фоизда(2005=100)

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистондан Қозоғистонга экспорт қилинган асосий мева ва сабзавотларнинг экспорт кўрсаткичи белгиланган товарлар каби муҳим эмас. Мисол учун: мева ва сабзавотлар (HSнинг 07 ва 08 бўлимларида кўрсатилган) 2016 йилдаги бу товарлар улуши Россия қишлоқ

хўжалиги импортда 13,1%ни ташкил этган бўлса, «жонли ҳайвонлар», «тирик дарахт ва бошқа ўсимликлар», «куритиб сиқиб олинган мевалар, доғланган ёғ ва ўсимлик ёғи» (НСнинг 01, 06, 13 ва 15 бобларда кўрсатилганидек), 8,9%, 8,5%, 11,1 % ва 22,9 % бўлганлиги аниқ [3].

Россия ва Қозоғистон бозорларига кириб борган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортда ўсишини таъминлаш мақсадида, ушбу бозор сегментларига экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш унинг сифатига муҳим таъсир кўрсатади. Бизнинг фикри-мизча, Ўзбекистонда етиштириладиган кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишга қулай, шунинг учун Ўзбекистон дунё бозорлари билан рақобатга киришадиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотадиган янги бозорларни топиши ва мазкур маҳсулотларни етиштиришда ихтисослаштиришни амалган ошириш билан бирга хамкор давлатлар билан қисқа муддатли эмас балки, стратегик узоқ муддатли шартномалар тузишни амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари эркин фойдалана оладиган салоҳиятли хорижий бозорларнинг электрон маълумотлар базасини яратишни таъминлаш, бунда мева-сабзавот маҳсулотлари турлари, навлари, асосий истеъмолчилари бўйича эhtiёжларнинг тахминий хажми, шунингдек, қўйиладиган талаблари бўйича ахборот олиш имконияти, логистика марказлари(мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ хўжалиги техникаси), шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тажрибасини кенг қўллаш энг муҳим вазифалардан саналади [2].

Ушбу вазифаларнинг тўлақонли амалий ижросини таъминланиши Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун экспорт имкониятларини осонлаштириш ва глобал таъминот занжирига уланиш имкониятини кенгайтириши ҳамда тегишли моддий-техник тизим салоҳияти самарадорлигини оширилишига хизмат қилади.

References

1. Moiseeva N.K. Mejdunarodnyy marketing. – M.: Sentr ekonomikii marketinga, 1998. – 764 s.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 29 martdagi PF5388-son "O'zbekiston Respublikasida meva-sabzavotchiligini jadal rivojlantirishga doir qo'shimcha chor-tadbirlar to'g'risida" gi farmoni
3. <http://www.stat.uz/> – O'zbekiston Respublikasi Davlat statistik qo'mitasi rasmiy sayti.